



ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ МАҲАЛЛАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФА ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун иқтисодийдаги барча саъй-ҳаракатлар аҳоли учун даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган. Бу жуда кенг қамровли вазифа бўлиб, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга инвестиция йўналтириш, энергия таъминотини яхшилаш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди учрашувларида жойлардаги эҳтиёж ва аҳоли талабидан келиб чиқиб, ҳудудий дастурлар белгиланган эди. Улар учун келгуси йилда қарийб 75 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Эндиги муҳим вазифа бу дастурларни маҳаллагача тушириб, ижросини таъминлашдир.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Хусусан, келгуси йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

— Янги Ўзбекистон дегани, аввало, янгича ишлаш керак, дегани. Айниқса, ҳокимлар ўзгариши керак. Ҳамма саъй-ҳаракатлар, ажратилаётган маблағлар маҳаллада ўз ифодасини топмаса, натижа бўлмайди. Бунда иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш — асосий мезон, — деди давлатимиз раҳбари.

Бандликни таъминлашда энг катта соҳалардан бири — қишлоқ хўжалиги. Келгуси йилда пахта ва ғалладан бўшайдиган 80 минг гектар майдон аҳолига ажратилиши белгиланган. Мева-сабзавотчилик кластерларига 2 триллион сўм, шу соҳадаги лойиҳаларга 100 миллион доллар, томорқаларда маҳсулот етиштириш учун яна 100 миллион доллар йўналтирилади. Аҳоли томорқасида деҳқончиликни йўлга қўйиш учун банклар томонидан 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар берилди.

Келгуси йилда давлат инвестиция дастури доирасида жами 18 триллион сўмликдан зиёд 1 минг 700 га яқин лойиҳа, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида

22 миллиард долларлик 9 мингта лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Уларнинг натижасида, мос равишда, 135 минг ва 305 мингта иш ўрни ташкил этиш мақсад қилинган.

Президент бундан буён дастурлар вазирликда эмас, маҳаллада шаклланишини, уларни ҳокимларнинг ёрдамчилари ўзи “маҳаллабай” тамойили асосида ишлаб чиқиши зарурлигини таъкидлади.

Келаси йил халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган 2 миллиард 200 минг доллар маблағни ўзлаштириш ҳисобига 109 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг самарасида 28 минг аҳоли бандлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинадиган маблағларни ҳам маҳаллага боғлаш муҳимлигини қайд этди.

Йиғилишда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимиз тараққий этгани сари шаҳарлар ҳар томонлама ўсиб бормоқда. Пойтахтимизда ҳам замон талабларидан келиб чиқиб, янги йўл ва кўприклар қурилмоқда, транспорт йўналишлари кенгайтирилмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида янги метро йўналишлари қурилиб, аҳоли учун катта қулайликлар яратилди. Тошкент метрополитенини янада ривожлантириш мақсадида “Буюк ипак йўли” бекатидан Тошкент трактор

заводи даҳасигача ерости йўли ҳамда ерусти халқа метросининг иккинчи босқичини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Тақдиротда шу борадаги лойиҳа таклифлари кўриб чиқилди. Масалан, янги ерости йўлини Мирзо Улугбек кўчаси ёки Буюк ипак йўли кўчаси орқали олиб ўтиш устида ишланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи ҳолатда йўл узунлиги 8,6 километр, кунлик йўловчилар сони 62 минг бўлади. Иккинчи

вариантда эса масофа салкам 8 километр бўлиб, кунига 55 минг кишига хизмат кўрсатилиши мумкин. Қурилиш ишлари беш йилга мўлжалланган.

Ерусти метросининг иккинчи босқичи ҳам муҳим лойиҳа. Унга кўра, Қўйлиқ даҳасидан Сергели йўлининг 5-бекатигача 11 километрдан зиёд эстакада қурилади. Бекатлар сони еттига бўлиши, кунига 38 минг йўловчи ташилиши кутилмоқда.

Яна бир лойиҳага кўра, Бобур

кўчасидан Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига олиб борувчи йўл ўтказгичи кенгайтирилиб, ёнида халқа шаклида айланма кўприк қуриш кўзда тутилган.

Тақдиротда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий масалалари муҳокама қилиниб, давлатимиз раҳбари лойиҳаларни қулайлик, хавфсизлик ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ғалла етиштириш ва сотишдаги инвестициявий жозибадорликни оширишга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

ички бозорни ғалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб республика ҳудудига экишга тавсия этилган

бугдой навларини **хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил жойлаштириш;**

2022–2024 йилларда ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжалиқлари етиштирган **ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар суғориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан бугдойни эркин биржа савдолари орқали, қолган қисmini тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш;**

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ ЯНГИ ДАВР СТРАТЕГИЯСИ



Инсоният тарихида шундай бурилиш даврлари бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориламон тамойиллар ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор йўналишлар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш низоҳатда муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланади. Таъриба айнан ана шундай даврларда ушбу эҳтиёжни зукколик билан англайдиган ва давр талабларига воқеалар ривожини олдиндан кўриб, жавоб бера оладиган йўлбошчилар етакчилигидаги халқларгина кўзлаган мақсадларига етиши мумкинлигидан далолат беради.

Бугунги давр ҳам худди ана шундай. Яъни, бу Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ўз тараққиётининг янги босқичига ўтаётган халқимиз салоҳиятини янада баланд чўққиларга кўтариш, барча соҳаларда туб ислохотлар ва улкан янгиланишларни амалга ошириш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш, юртимизда энг илгор демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш давридир.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда нашр қилинган “**Янги Ўзбекистон стратегияси**” китобининг мазмун-моҳияти ана шундан далолат беради. Ушбу китобда, аввало, халқимиз томонидан кейинги йилларда эришилган улкан ютуқ ва марралар учун асос бўлаётган ислохотлар ва янгиланишлар ўз аксини топган. Асарда истиқболда амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва стратегик аҳамияти, яқин ва узоқ келажақдаги тадқиқи, тараққиёт тамойиллари ва бугунги даврга хос хусусиятлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Агар мамлакатимизда кейинги йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёни қандай шароитда ва қай тарзда кечгани, тараққиёт дастурининг мантикий давоми қандай бўлиши ҳақида яхлит ва жиддий таҳлилий тадқиқотга таянган йирик назарий, методологик манбалар ҳозирга қадар яратилмаганини инобатга оладиган бўлсак, мазкур асарнинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга экани янада яққол намоён бўлади.

Ушбу асар Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида қандай амалий чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, бу серқирра жараёнинг мураккаб ва илгариланма ҳаракат экани, тарихий-фалсафий, мантикий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омилларининг барчасини ҳар тарафлама чуқур ёритиб, исботлаб беришга қаратилган илмий ҳулоса ва таҳлилларнинг нечоғлик зарурлиги, долзарблиги ва аҳамиятини яна бир бор исботлади.

Биринчидан, ушбу асар асло тасодиф эмас, балки Президентимиз онгу тафаккурида, қалбида узоқ йиллардан буён шаклланиб ва сайқалланиб келган янги стратегия ўз аксини топган китоб, бутун бир даврнинг фалсафий инъикоси, ҳозирги янгиланишлар жараёнининг объектив заруратидир. Мазкур китоб Янги Ўзбекистон стратегиясининг бутун буй-баста, шакл-шамойилини, мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоларини тўла-тўқис акс эттирадиган, халқимизни шу йўлда бирлаштирадиган ва эзгу мақсадлар сари сафарбар қиладиган, бугунги замон тақозосини ифодалайдиган йирик ва яхлит асардир.

Иккинчидан, Президентимиз китоби Янги Ўзбекистон стратегияси қандай тарихий, ижтимоий-



иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларга эга экани, унинг устувор йўналишлари ҳамда имкониятлари ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун барча илмий-назарий ҳулосаларни, амалиёт учун зарур бўлган долзарб вазифалар ва кўрсатмаларни ўзида жамлаган. Унда тараққиётимиз стратегиясининг тушунча ва категориялари, умуминсоний қонуниятлари ҳамда мамлакатимизга хос хусусиятлари кўплаб мисоллар ва далиллар асосида исботлаб берилган.

Учинчидан, мазкур асар олис асрлар қаъридан келаётган халқ орзуси, авлод-ақдодларимиз, ота-оналаримиз ёруғ кунлар, нури келажақ ҳақидаги умид ва интилишларининг ўзига хос ифодаси, бу йўлда жонини тиккан ёвқур боболаримиз ва момоларимиз хотирасини қадрлаш, ватанимизни, истиқлолимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, жондан азиз фарзандларимизни қомил инсонлар қилиб тарбиялаш учун масъулиятимизни яққол англаётган фалсафий асардир.

Тўртинчидан, ушбу китобни муаллифнинг глобаллашиб бораётган шиддаткор дунё нидолари ва чақириқларини чуқур англаши асосида яратилган, замонавий Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва имкониятлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти,

мамлакатимизнинг истиқболларини жамиятимиз аъзолари, ҳаммамиз теран англашимизга ёрдам берадиган муҳим илмий-назарий манба, дейиш учун барча асослар бор.

Бешинчидан, Президентимиз асари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” ғоясини рўёбга чиқариш, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва кенг қўламли ишлар мантиқини тушуниш, шу йўналишдаги янгиланишлар ва ўзгаришлар жараёнида ҳар биримизнинг ўз ўрнинимиз ва масъулиятимизни англашимизга хизмат қиладиган зарур қўлашма, ўзига хос дарслик ҳамдир.

Олтинчидан, мазкур асар кейинги ўн йилликларда бутун дунёга машҳур бўлиб бораётган “Стратегемалар назарияси” ва “Стратегиялогия” фанининг умумий қонуниятлари ва Ўзбекистонга хос намоён бўлиш хусусиятлари, стратегик тафаккур ва стратегик бошқарувнинг жамият ҳаёти ва давлат сиёсатининг барча соҳаларига хос қонун-қоидалари, муҳим жиҳатларини ўзида тўла-тўқис акс эттирган. Бу жиҳатдан у ушбу йўналишдаги илмий изланувчилар ва тадқиқотчилар учун ҳам муҳим методологик қўлланма, кўплаб тадқиқотларни амалга оширишга доир таянч манба бўлиши шубҳасиз.

▶ Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига ажратиш;

ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини бериш.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда, **календарь йилнинг 1 августига қадар бўғдойнинг келгуси йил ҳосили учун қўтилаётган индикатив нархи оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминласин.**

3. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси **2022 йил 1 январга қадар Жамғарма томонидан ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун биржа савдоларидан бўғдой сотиб олиш ва уни биржада сотиш тартибини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш** учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Жамғарма номидан биржа савдоларида бўғдой сотиб олувчи тижорат вакилини белгилаш ва танлаб олишнинг аниқ ва шаффоф мезонлари;

тижорат вакили танловида “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизими корхоналари билан бир қаторда худудларда донни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланаётган бошқа тадбиркорлик субъектларига тенг шароит яратилиши;

тижорат вакили Жамғарма номидан харид қилинган бўғдой учун ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар эканлиги;

тижорат вакили Жамғарма топшириғига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Қадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида ер участкаларига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтган ғаллачилик кластерлари ва фермерлардан биржа орқали бўғдой сотиб олиши;

тижорат вакилининг бўғдойни харид қилиш, сақлаш, табиий камайиш, ортиш, ташиш ва давлат захирасини янгилаш бўйича харажатларини қоплаб бериш;

ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш учун харид қилинган бўғдойнинг Жамғарма томонидан биржа савдоларига чиқарилиши;

нархларни сақлаб туриш мақсадида бўғдойни сотишдан олдинган ижобий ва салбий фарқларни қоплаш тартиби кўзда тутилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси **календарь йилнинг:**

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган бўғдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимидаги тақсимотини ҳамда бўғдойни сақлашга мос ёпиқ сифмларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1 августига қадар етиштирилган бўғдой миқдори ва ички бозорда бўғдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча бўғдой харид қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб бorsин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг календарь йилнинг май-август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, сугориладиган майдонларда ғалла етиштирувчи барча субъектлар томонидан ғалла экилган **ҳар гектар майдон ҳисобига республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан ғалланинг биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.**

6. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошқоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга;

ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

бўғдойни сотиш жараёنларига, шу жумладан, шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика худудлари ўртасидаги ички ташувларга ;

б) ғаллачилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўйиш тўғрисида қатъиян тақиқланади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021-2022 йилларда “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги дон корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва

фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очик савдоларга қўйиш;

“Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамғарма олдидagi қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объектлар “Ўздонмаҳсулот” АҚдаги давлат улуши ва “Ўздонмаҳсулот” АҚнинг дон корхоналаридаги улушини тегишинча камайтириш ҳисобига берилади.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги корхоналар тадбиркорлик субъектларига сотилгандан сўнг, “Ўздонмаҳсулот” АҚни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар барча туманлар марказий деҳқон бозорларидаги бўғдой ва бошқа асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини “on-line” тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **ички ой мuddатда:**

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни, шу жумладан, бошқоқли доннинг экилиши,

унинг ривожланишини учувчисиз учаш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойihalаш институти ҳамда унинг худудий бўлинмалари томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларининг вегетатив ҳолатини учувчисиз учаш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойihalаш институтининг “Ер ахборот тизими” порталида қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан, такрорий ва тўқсонбости усулида етиштирилаётган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантирсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда бошқоқли дон етиштириладиган майдонларда зараркундалар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувни ташкил этсин, хўжаликлар томонидан экинларни ҳимоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавқулодда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан экинларни ҳимоя қилиш таъминлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжаликлар томонидан

бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта мuddатда **ғалла етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харитасини”**ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Бошқоқли дон етиштириш, сотиш ва бўғдой нархининг шаклланиши бўйича **мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни** Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан **вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта қўриб чиқиш қатъиян ман этилсин.**

15. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **ички ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТДИ

**Ўзбекистон Президенти
Шавкат Мирзиёев 11-12 ноябрь кунлари
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик
кенгашининг саккизинчи саммитида
иштирок этди.**

Халқаро тадбирда савдо, сармоя, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникация, таълим ва маданият соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари анжуманда нутқ сўзлаб, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни илгари сурди. Мазкур амалий таклифлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

**Далия ЧАКАР,
Нидерландия–Ўзбекистон
дўстлик жамғармаси
раиси:**



— Ўзбекистон Президентининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитидаги иштироки халқаро ҳамкорликни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга бўлган ёндашувни яна бир бор ифода этди. Буни Ўзбекистон раҳбарининг саммит давомида сўзлаган, турли йўналишларда ўзаро алоқалар, савдо-сотиқ ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббусларга бой бўлган нутқи, Истанбулда ўтказган икки томонлама учрашувларининг мазмун-моҳияти тасдиқлаб турибди.

Саммит туркий тилли давлатлар тарихида тарихий воқеа бўлди. Чунки Туркий кенгаш Туркий давлатлар ташкилоти деб қайта номланди. Менимча, бу тузилма ўзининг етуклик дaвpига кириб бoрмoқдa ва мaслaхaт oргaнидaн хaлқaрo мaйдoндaги жиддий тaшкилoтгa aйлaнмoқдa. Taбиийки, Ўзбекис-тоннинг тaшкилoтгa қўшилгани унинг фaолиятидa aлoқидa ўрингa эгa. Ишончим кoмилки, aгaр иштиpoқчи дaвлaтлaр ўзaрo хaмкoрликни мустaҳкaмлaшдa дaвoм этcа, яқин кeлaжaқдa хaлқaрo мaйдoндa яна бир cалмoқли тaшкилoт пaйдo бўлгaнини кўрaмиз.

Ўзбекис-тон раҳбарининг мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ташаббуслари ташкилотга пандемия, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология ва иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган хавф ва таҳдидларни бартараф этишга қўшимча туртки бериши шубҳасиз.

**Ежи БРИЛЬ,
“Польша–Шарқ” уюшмаси президенти, профессор:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли кўп векторли ташқи сиёсат олиб бoрмoқдa. Бaрчa хaмкoр дaвлaтлaр вa хaлқaрo тузилмaлaр билaн муносабатлар кeнгaймoқдa.

2009 йилда тузилган Туркий кенгашининг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ўзбекистоннинг 2019 йилда ТТДХҚга тўлақонли аъзо бўлгани мазкур халқаро ташкилот обрўси-

ни юксалтирди ва имкониятларини янада кенгайтирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуслар Кенгашнинг кўп томонлама ҳамкорлигини янги амалий мазмун билан бойитмоқда. Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган қисқа вақт ичида йиғирмадан ортиқ таклиф илгари сурилгани мамлакатнинг яқин ва узоқ истиқболда туркий тилли шериклар билан ҳамкорликни тўла масъулият билан ривожлантириш тарафдори эканидан далолат беради.

Ўзбекистон Туркий кенгашига аъзолиги доирасида бир неча тадбири юқори даражада ўтказди. Хусусан, 2019 йил октябр ойида Тошкентда Туркий кенгашига аъзо



давлатлар Бизнес кенгаши йиғилиши ва инвестиция форуми ташкил этилди. Хива шаҳри 2020-2021 йилларда “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди. Туркий кенгашига аъзо давлатлар ёш тадбиркорларининг биринчи форуми ҳамда ёшлар ишлари бўйича ва спорт вазирларининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар мамлакатнинг ташкилот

**Хари НАРАЯНАНА,
Осиё– Тинч океани технологиялар
ва инновациялар университети
ректори (Малайзия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи билан батафсил танишиб қолдим. Шунга таъкидлашни истардимки, ушбу ташкилот замон билан ҳамнафас ривожланимоқда. Жумладан, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган таклифлар ҳар томонлама чуқур ўйланган савдо, сармоя, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт-коммуникация, шунингдек, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали ҳамкорлик масалаларини қамраб олди.

Ташкилотнинг жорий саммитида Ўзбекистон раҳбари туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини тўлақонли очиб бериш бўйича ташаббусларни эълон қилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш ва электрон тижоратни кенг жорий этиш, “ақлли” шаҳарларни яратиш учун инновациялар жорий этиш, транспорт коридорларини ривожлантириш орқали мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтиришга қаратилган таклифларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Академик жамоатчилик вакили сифатида Ўзбекистон Президентининг яна бир таклифи — 2022 йилни туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш ташаббуси менга жуда маъқул келди. Бу гоғанинг амалга оширилиши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий лойиҳаларини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деган умиддаман.

Ишончим кoмилки, Ўзбекис-тон томонидан Туркий кенгаш доирасида илгари сурилган жорий ташаббуслар Евроосиё китъаси марказидаги кенг маконда ўзаро ишончи мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.



**Ильгар ВЕЛИЗАДЕ,
“Жанубий Кавказ”
сиёсатшунослар клуби
раҳбари (Озарбайжон):**

— Саммитда тузилма номи “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгариши тўғрисида қабул қилинган қарор туркий тилли давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сифатининг ўзгариши, ҳамкорлик механизмларининг мустаҳкамланиши, интеграция учун янада мукаммал сиёсий-ҳуқуқий асос яратилишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатни манфаатларини етарли даражада ифодалаган ҳолда, туркий тилли давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган амалий таклифларни доим илгари суради. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Янги ташаббусларнинг барчаси мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Саммитда сўзга чиққан Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон томонидан Қорабoғ худудидa мaктaб биносини қуришни амaлгa ошириш тaшaббуcи aлoқидa aҳaмиятгa эгa экaнини тaъкидлaди. Бу нaфaқaт oзaр вa ўзбeк хaлқлaрини ўртaсидaги тaрихий қaрдoшлик риштaлaрини эъзoзлaш, бaлки бугунги кундa янaдa ривoж тoпaётгaн туркий тилли мaмлaкaтлaр хaмкoрлигининг мuҳим тaмaл тoшидир.



“Дунё” АА

УМУМИЙ ТИЛ ВА МУШТАРАК МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИРЛИГИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ДЎСТЛИК

Ишончим комилки, бугунги учрашувимиз ва эришилган келишувларимизнинг амалга оширилиши қардош халқларимизнинг умумий фаровонлиги ва равнақига хизмат қилади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи**

Янги Ўзбекистон ўзининг танлаган демократик тараққиёт йўли, инсонпарварлик сиёсати ҳамда жаҳон халқлари тақдирига ижобий таъсир кўрсатувчи ташаббуслари билан дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Тараққиётимизнинг янги босқичидаги кенг қўламли ислохотлар, шубҳасиз, бугун халқаро муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан юқори баҳоланмоқда. Буларнинг барчасига Президентимиз бошчилигида юритилаётган очик ташқи сиёсат, самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкам асос бўлмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сўнгги беш йилдаги сайёҳаракатлар самарасида юртимизнинг туркий тилли давлатлар ўртасидаги нуфузи ва мавқеи юксалди.

Эспатиб ўтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди — Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистоннинг ташкилотдаги иштироки уч жиҳати билан давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи жиҳати, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимизда савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалар ривожини яратмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар билан **умумий товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошгани** фикримиз исботидир.

Иккинчи жиҳати, оғир пандемия шароитида ҳамкор давлатларнинг ўзаро қўллаб-қувватлови сабаб турли иқтисодий ва ижтимоий масалалар ижобий ҳал қилинмоқда.

Учинчи жиҳати, умумий тил ва муштарак маънавий қадриятларга эга бўлган халқлар ўртасида ўзаро яқинлик ва дўстлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этди. Мазкур саммит ўзига хос жиҳатлари билан олдингиларидан фарқ қилганини таъкидлаш ўринли.

Биринчи фарқ, анжуман Туркиянинг раъсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган Демократия ва озодлик оролида ташкил этилди.

Иккинчи фарқ, анжуман доирасида савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди ва улар юзасидан манфаатли келишувларга эришилди.

Учинчи фарқ, энг муҳим жиҳати шундаки, мазкур саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи Туркий давлатлар ташкилоти этиб ўзгартирилди.

Тўртинчи фарқ, анжуманда ташкилотга раислик Озарбайжон Республикасида Туркия Республикасига ўтди. **Бешинчи фарқ**, кун тартибидagi масалалар юзасидан 10 дан ортиқ ҳужжат қаторида “Туркий дунё нигоҳи — 2040” дастурий ҳужжати ҳамда улғў мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақидаги қарор имзоланди. Давлатимиз раҳбари саммитда қардош халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган тарихий нутқ сўзлади. Мазкур маърузанинг аҳамияти жуда юксак баҳоланди.

Биринчи фарқ, нутқда туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати очиб берилди. Хусусан, оғир пандемия шароитидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар эътироф этилди.

Иккинчи фарқ, ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарларга оқилона ёндашишга доир “чорлов” билдирилди.


Учинчи фарқ, ташкилот доирасида олдинги саммитларда билдирилган тақлифларнинг мантикий давомидан бўлган **саккизта йўналиш бўйича 10 дан ортиқ муҳим ташаббус** илгари сурилди.

Тўртинчи фарқ, ташкилот аъзолари Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият юзасидан мамлакатнинг янги

ҳукумати билан бўладиган мулоқотларда умумий ёндашувга қақирилди.

Бешинчи фарқ, нутқда Ўзбекистон томони саммит кун тартибига киритилган масалаларни қўллаб-қувватлаши билдирилди.

Туркий тилли давлатларни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига чамбарчас боғлаб туради. Мана шу ҳақиқатни англаган ҳолда, давлатимиз раҳбари истиқболда ташкилот доирасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Ҳар бир ташаббусни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ҳам



белгилаб берилгани уларнинг ихросини самарали таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Биринчи ташаббус — ташкилот доирасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун қўлай ва жозибадор шароитларни яратиш.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур тақлифини амалга ошириш мақсадида учинчи давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларни ташкилотга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қўллаш чора-тадбирларини кўриш, шу мақсадда

Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича аниқ режалар ҳам илгари сурилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ташкилот доирасидаги давлатлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми уларнинг иқтисодий салоҳиятига мутаносиб равишда эмас. Чунки Ўзбекистон, Туркия, Қирғизистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистондаги иқтисодий салоҳият ва шарт-шароитлар учинчи давлатлардан кириб келиши мумкин бўлган маҳсулотларнинг ўрнини босадиган миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бемалол етади.

Иккинчи ташаббус — ташкилот доирасида транспорт ва транзит масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

Ташаббусни амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилиб, унда минтақаларо мультимодал коридорларни ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартибларини соддалаштириш, божхона, санитария ва бошқа турдаги назорат жараёнларини рақамлаштириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш масалаларни бўйича ечимларни белгилаш лозимлиги билдирилди.

Учинчи ташаббус — саноат кооперациясини кучайтириш.

Ташкилотга аъзо давлатлардаги ихтисослашган идоралар негизда **инжиниринг ва технологиялар марказларини ташкил этиш**, ташаббус доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида келгусида **Инвестиция жамғармасини тузиш**, келгуси йили Ўзбекистонда **Туркий давлатлар саноат ҳафталигини ўтказиш** каби аниқ чора-тадбирларни кўриш таъкидланди.

Тўртинчи ташаббус — ташкилотга аъзо давлатларда ҳар бир соҳани рақамлаштириш.

Мазкур ташаббус бугунги рақамли тараққиёт даврида муҳим аҳамият касб этиб, давлатларнинг ўз ичидagi ва ташкилот доирасидаги фаолиятида ҳам бир қатор қўлайликларни яратиши шубҳасиз.



Президентимиз томонидан “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳунармандлик кўргазмаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқиш тақлифи билдирилди.

Ташаббусни амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан Туркиянинг рақамлаштириш борасидаги тажрибасидан ўрнак олган ҳолда, **“ақли шаҳар”ларни барпо этиш**, инновацияларни трансфер қилиш мақсадида экспертлар ва IT мутахассислар учун доимий платформани яратиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш лозимлиги билдирилди.

Бешинчи ташаббус сифатида дунёдаги иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечишга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги, бу борада Орол



денгизининг қуриши минтақа ва унинг ташқарисидagi ҳудудлар учун ҳам жиддий экологик муаммолардан бири бўлиб қолаётгани, мазкур муаммоларни ҳамда бошқа экологик фожиаларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, улар тарқалишининг олдини олиш учун **БМТ билан ҳамкорликда туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини** тузиш тақлифи илгари сурилди.

Дарҳақиқат, бугун инсоният экологик фожиаларнинг олдида ожиз қолиб, унинг таъсиридан жабр кўрмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриши нафақат Ўзбекистон ёки минтақамиз, балки бутун дунё учун жиддий экологик муаммодир. Давлатимиз раҳбари инсониятнинг экологик хавф-хатарлардан оғохлантириш асосида ушбу муаммо ва фожиаларнинг олдини олишга ўз вақтида тўғри ва аниқ ташаббуслар билан ёндашмоқда.

Олтинчи ташаббус — ташкилотга аъзо давлатларда маданият ва туризм соҳаларини ривожлантириш.

Туркий дунё маданияти ва туризми жуда бой тарихга эга бўлиб, бугунги кунга қадар жаҳон халқлари учун ўрнатилган вақфий таълим маркази бўлиб келмоқда. Таш-

кўргазмалари ва этносспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқиш тақлифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбарининг **еттинчи ташаббус** сифатида *туркий дунёнинг буюк вақиллари илимий-ижодий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш* тақлифини илгари сургани барчамизни хушнуд этди.

Негаки, буюк аждодларимиздан қолган илмий, маданий ва маънавий мерос бугунги кунга қадар дунё халқлари ва мамлакатлари цивилизациясида муҳим манбалардан бири сифатида эъзозланиб келинмоқда. Айтиш жоизки, математика, физика, кимё, тиббиёт, астрономия каби соҳаларда дунё илм-фани вақиллари аждодларимизнинг фикрлари ва илмий-назарий қарашларига таянади. Жаҳонда туркий дунё шеърлати, санъати ва адабиёти намуналари янграмаган маскан қолмаган, десак ҳам айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида **Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказини** ташкил этиш тақлифини билдирилди.

Шунингдек, Президентимиз саммитда **саккизинчи ташаббус** сифатида *ёшлар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласини* яна бир бор халқаро миқёсдан туриб илгари сурди. Шу мақсадда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив гоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш масаласи яна кун тартибиди муҳокамасига олиб чиқилди.

Айниқса, Президентимиз **2022 йилни туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилишни тақлиф этгани** нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркий дунё ёшларини бирдек қувонтирган бўлса, ажаб эмас.

Давлатимиз, халқимиз, минтақамиз ва бутун туркий дунё халқлари учун бирдек муҳим аҳамиятга эга бўлган саммитда Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган тарихий ташаббусларнинг амалга оширилиши келгусида туркий халқларнинг, айниқса, туркий дунё ёшларининг тақдирда, ҳаётида, фаолиятида катта ижобий ўзгаришларни олиб келиши шубҳасиз.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ



Ассалому алайкум.

Хурматли Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловдаги ишончли ғалабанингизни маҳалламизда яшайдиган ҳар бир фуқаро жуда катта мамнуният ва хурсандлик билан қарши олди. Бу муносиб танлов, одил ва адолатли ғалаба. Бу ғалабадан бизнинг икки қарра, балки ундан ҳам кўпроқ ифтихор қилишга, фахрланишга асосимиз бор, деб ўйлаймиз.

Президент қадами етган жойга қут-баракат, файзу тароват ёғилверари. Бунинг бизнинг маҳалламиз тимсолида ҳам яққол кўрса бўлади.

Сиз жорий йилнинг ўзида маҳалламизга икки марта ташиф буюрдингиз. Натижада, маҳалламиз ўз номига монанд равишда Чирчиқнинг ифтихорига айланиб бормоқда.

Очиғи, шу йил 18 март куни маҳалламиздаги мавжуд аҳвол билан танишганимизда, кўп саволларга жавоб тополмай, кўзимиз билан ер чизиб қолган эдик. Чиндан ҳам, маҳалламиз кўп йиллар давомида эътибордан четда қолган, одамларнинг яшаш шароити билан боғлиқ муаммолар кўпчилигидан жуда хижолат бўлганди.

Сиз эса бизни қойиш, танбеҳ бериш ўрнига, аҳоли билан самимий суҳбат қилдингиз, қадам-бақадам

юриб, муаммоларни кўрдингиз, уларни бартараф этиш юзасидан мутаасаддиларга аниқ кўрсатмалар бердингиз. Одамларлик мезони бундан ортиқ бўлмайди.

Маҳалламиз орадан ўтган қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Коммунал тармоқлар бутунлай янгиланди. Мавжуд 16 та кўп қаватли уйга зеб берилди. Ҳовилиларимизда болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари барпо этилди, автотураргоҳлар қурилди. 5 километрга яқин кўчаларимиз асфальтланди, тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Болалар бочаси, умумтаълим мактаби тўлиқ таъмирланди. Тўғриси, бундан бир йил аввал ҳам таълим-тарбия муассасасидаги аҳвол ачинарли эди. Телевизорда обод бўлаётган ҳудудлардаги мактаб ва бочаларни кўриб, ҳавасимиз келарди. “Қанийди, бизнинг фарзандларимиз ҳам шундай бочаларга борса, шундай мактабларда ўқиса”, деб орзу қилардик. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, орзумиз амалга ошди. Фарзандларимиз энди

замонавий таълим-тарбия масканлари томон ошмоқда.

Кейинги таширфингиз чоғида Чирчиқ шаҳрини, шу жумладан, маҳалламизни энг намунали ҳудудга айлантириш бўйича мутаасаддиларга кўрсатмалар бердингиз. Сизнинг сайёҳаракатингиз билан бугун маҳалламизда 39 та кўп қаватли уй, 50 та икки қаватли коттеж қурилмоқда. Келгусида яна 56 та кўп қаватли уй қад кўтарди. Шу тариқа “Янги Ўзбекистон” массивига муносиб гўзал, яшашга ҳар томонлама қўлай гўша пайдо бўлади.

Маҳалламизни обод ва хавфсиз ҳудудга айлантириш — боз мақсадимиз. Унинг хавфсизлиги ва ободлигини таъминлаб бермоқдасиз. Бу билан фақат ҳудудимиз эмас, балки маҳалламизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир чирчиқликнинг кўнгли обод бўлди, нурга тўлди. Зеро, ободлик инсон қалбидан бошланади. Мана шу туйғу замирида одамларимизда эртанги кунга ишонч, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга чексиз хайрихоҳлик, бир сўз билан ифодаладиган бўлсак, одамлардаги розилик



туйғуси мужассамлигини мамнуният билан эътироф этишни истадик.

Хурматли Президент! Сизни яна бир қарра катта ғалаба билан табриклаймиз. Эл-юртимизга, жумладан, маҳалламиз аҳлига кўрсатган юксак эътиборингиз

учун миннатдорлик билдирамиз. Халқимиз бахтига ҳамisha соғ ва омон бўлинг.

Сизга чексиз ҳурмат ва миннатдорлик туйғуси билан:

Чирчиқ шаҳридаги “Янги ифтихор” МФЙ фаоллари



Бошланиши 1-бетда

Буларнинг барчаси кейинги йилларда Ўзбекистонда энг ривожланган мамлакатларга хос инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг моҳияти ва пировард мақсадларини янада яққол англашимизга ёрдам беради.

Янги Ўзбекистон стратегиясида, энг аввало, инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислохотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам асло бежиз эмас, албатта. Бу борада Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “...юртимизда узоқ йиллар давомида “давлат — жамият — инсон” тамойиллига амал қилиб келинди. Давлат қурилиши ва бошқаруви, барча сиёсий тузилмалар, уларнинг иш услуби ва фаолияти ҳам ана шу тамойил асосида шаклланди. Аслида эса, аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ва “Давлат — инсон учун” тамойили асосида ташкил этилиши даркор.”

Китобда алоҳида таъкидланган мазкур хулосага амал қилиш эса сиёсий соҳа ва бошқарув тизимининг ҳозиргача сақланиб қолаётган юқоридаги парадигмасини тубдан ўзгартириш, инсонни ва унинг манфаатларини давлат сиёсати ва ислохотларнинг асосий мезонига айлантириш лозимлигини далолат беради. Бундай ҳолда ушбу соҳадаги асосий парадигма “**инсон — жамият — давлат**” шаклига айланди ва бу, айни бугунги ҳаёт ҳақиқатини, ҳозирги давр заруратини акс эттиради. Яъни давлатнинг мавжудлигидан асосий мақсад — инсон ҳаёти ва жамият тараққиётига доир сиёсатни туғри ташкил қилиш, бу борадаги тизим ва тузилмалар фаолиятини халқ манфаатлари йўлида самарали ташкил этишдан иборат.

Бу жиҳатдан, китобни диққат билан ўқиб-ўрганар эканмиз, Янги Ўзбекистон стратегиясининг муҳим тамойиллари ва амалий ҳаёт мезонлари қуйидагиларда яққол намоён бўлаётганини аниқ-тиниқ англаб олиш мумкин:

Биринчидан, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг дастуриламали бўлган Президент стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулияти халқимиз томонидан чуқур ҳис этилмокда, жамиятимиз аъзолари, аҳоли барча қатламларининг ислохотларга дахлдорлик туғуси, ижтимоий-сиёсий фаолияти тобора ортиб бормокда;

Иккинчидан, бутун мамлакатда ислохотлар ва янгиланишларнинг кенг қўламада амалга оширилаётгани, энг муҳими, рақобатбардош ва ташқи олам учун очик ижтимоий-иқтисодий маконни барпо этиш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш каби парадигмаларга асосланганидан Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси халқимизнинг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмокда ва барчамизни бу ғоя атрофида жипслаштирмокда;

Учинчидан, жамият қурилиши ва давлат бошқаруви янгиланиб, “Давлат инсон учун” ва “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим” деган

умуминсоний тамойилларга амал қилинаётир. Ушбу мақсад йўлида ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари, фуқаролик институтлари имкониятлари ишга солинмокда;

Тўртинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилгани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари том маънода асл қадриятга айланаётгани ўзгаришлар ҳамда янгиланишларнинг асл мақсад-муддаоларини ифодаламокда;

Бешинчидан, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, тамойили асосида барчанинг мулк ҳуқуқини ҳурмат қилиш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлиги тамойили жорий этилаётган кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти мамлакатимиз ва халқимиз равнақи асосига айланмокда;

Олтинчидан, Ўзбекистонни эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш, бу борада замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб турмушнинг юқори даражасини таъминлаш, мамлакатимиз дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодиёти барқарор ўсаятган, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлари қаторига киришини таъминлашга ҳаракат қилинмокда;

Еттинчидан, бугунги дунёнинг қўллаб-қувватлаганидек, мамлакатимиз инқилобни арафасида турган бир пайтда, Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатнинг инновацияни ривожланиш йўлидан жадал ҳаракатланиши, “билимлар иқтисодиёти”, “рақамли иқтисодиёт”, “эркин ахборот жамияти” ҳамда инсонпарвар “ахборот майдони”ни шакллантириш ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмокда;

Саккизинчидан, ҳаётга Янги Ўзбекистонни барпо этаётганларнинг навқирон авлоди, юқори фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол ёшлар кириб келаётган бугунги кунда уларга муносиб ҳаёт шaroитлари, инновацион таълим ва умуминсоний тамойилларга асосланган янги маънавий макон, маърифатли жамият асослари ва миллий тарбия муҳити яратилмокда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини Президент китоби асосида таҳлил қилиш **биринчидан**, бугунги кунларнинг шукронаси ва унинг қадрига етиш, **иккинчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнини сарҳисоб қилиш, **учинчидан**, бу борадаги долзарб ва масъулияти вази-фаларимизни янада чуқурроқ англаб олишга имкон беради.

Хуллас, давлатимиз раҳбарининг тарихий далил ва рақамларга, теран илмий фикр ва хулосаларга асосланган “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари жамиятимизнинг бугунги тараққиёт босқичини, ҳозирги кундаги устувор йўналишлар ва вази-фаларининг моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш, ушбу миллий тажрибани амалиётга самарали қўллаш жараёни бошланган ҳозирги кунлардаги ўзига хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини янада яққолроқ англашда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз томонидан кейинги йилларда амалга оширилган туб ислохотлар, барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт стратегиясини яққол акс эттирган ушбу асарнинг аҳамиятини ҳар бир замондошимиз қалби ва онгига синдириш бугунги маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий йўналишига, бинобарин, энг муҳим вази-фамизга айланди.

Бу эса аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод тафаккурда кейинги йиллар давомида эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туғусини шакллантириш борасида барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юкланганидан далолат беради.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ТАМОЙИЛЛАР

Таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз ривожининг янги даврига келиб Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди ва уни амалиётга жорий этиш жараёни бошланмокда.

Хўш, “Тараққиёт стратегияси” атамас-нимени англатади? Янги Ўзбекистон стратегиясининг қандай умуминсоний тамойиллари ва халқаро андозалари бор? Жамиятимизни тараққиёт этириш ва янгилаш стратегиясининг миллий асослари ва инсон қадрли билан узвий боғлиқ хусусиятлари нималардан иборат?

Аслида “Тараққиёт стратегияси” философия маънода муайян жамият ёки давлат ривожининг янги босқичга кўтарилишини белгилаб берадиган омиллар ва тамойиллар, барча соҳалардаги ислохотлар мазмун-моҳиятини ифодалайдиган, ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларининг бир бутун тизим сифатида янгиланишини, динамика ўсиш ва ўзгариш жараёнини акс эттирадиган сермаъно тушунчадир.

Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий жиҳат — сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва маънавий янгиланишга хизмат қилувчи шарт-шaroитлар ҳамда ҳаётнинг мезонларнинг юксак самарадорлигига эришиш, эски тартиблар ва тамойиллар ўрнига янги қадриятлар тизими, замонавий ёндашувларнинг вужудга келишидир.

Бугунги дунёнинг бир қанча мамлакатларида тараққиёт стратегиясига хос хусусиятлар, муаммо ва янгиланишлар билан боғлиқ масалалар тадқиқ ва таҳлил этилмокда. Жаҳон тажрибасига кўра, бу борадаги энг татқи хавф тарихий шарт-шaroит ва халқнинг миллий менталитетини эътиборга олмаслик, тараққиёт тамойилларини ҳаддан ташқари универсаллаштириш, уларни сунъий қўллашга уринишда яққол намоён бўлади.

Бундан ташқари, айрим мамлакатларда аҳолининг баъзи қатламлари манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик, эгоизм ва шошма-шошарликка асосланган авангардизм каби иллатлар ҳам баъзи стратегиялар туғилиши биланок уларнинг самарасини йўққа чиқарадиган доимий ҳамроҳга айланиши низоҳатда ачинарли ҳолдир.

Бу жиҳатдан Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиёт стратегияси ушбу бир томонламалик ва кемтикликлардан мутлақо холи бўлиб, унинг устувор тамойиллари тасодифан шаклланмаган, албатта.

Мамлакатимиз ҳаётини янгилашнинг ушбу стратегияси, аввало, баъзи мамлакатларда турли даврларда рўй берган шошма-шошарлик ва бузилишларга йўл қўймаслик, турли ижтимоий пўртаналарнинг олдини олиш, ислохотларнинг халқаро андозалари ва миллий анъаналарига содиқлик билан боғлиқ умуминсоний тажриба асосида ишлаб чиқилган.

Бутун халқ ҳаёти, жамият ва давлат қурилишининг барча жиҳатларини қамраб олган ушбу стратегиянинг илмий-назарий асослари ва амалий тамойиллари давлатимиз раҳбари томонидан, аниқ-тиниқ далиллар ва мисолларга таянган ҳолда исботлаб, ҳар томонлама асослаб берилган.

Айни пайтда, мазкур стратегия халқимиз ва жамиятимиз тарихи ҳамда бугунги ҳаётини белгилайдиган миллий хусусиятларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳозирги замонда бутун дунёда ва Ўзбекистонда рўй бераётган жараёнларнинг келажагини олдиндан кўра билиш асосида ишлаб чиқилган ривожланиш дастури ҳамдир.

“

Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади — юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётга хос ва мос ушбу стратегиясининг қуйидаги умуминсоний тамойиллари алоҳида ажралиб туради:

тарихийлик тамойили, яъни мазкур стратегия инсоният тараққиётининг ҳозирги давргача бўлган ютуқларига асосланиш билан бирига, халқимизнинг шу кунгача эришган барча миллий мероси ва қадриятлари, асрлар синовидан ўтган тажрибаси, амалий фаолияти натижаларидан, маънавий анъаналаридан унумли фойдаланиш асосида шакллانган;

замонавийлик тамойили, яъни стратегияда халқимизнинг кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида қўлга киритган улкан ютуқлари, бу борадаги зарур омиллар ва тамойилларга алоҳида эътибор қаратилган ва уларга таянлган. Бу жабҳадаги юксак мақсадларни амалга ошириш, юртимизда янги жамият барпо этишда эришилган натижалар сарҳисоб қилиниб, олдимизда турган долзарб вази-фалар белгилаб берилган;

тизмиллик тамойили — ушбу стратегия жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларни бир бутун ва яхлит жараён сифатида қарашга асосланган. У жамият ёки давлат ҳаётининг бир қисми ёки алоҳида соҳасини янгилашгина эмас, балки барча жабҳалари қамраб олган тизмилли ислохотлар ва янгиланишларни назарда тутаети;

узлуksизлик тамойили, яъни Президентимиз стратегияси ислохотлар ва ўзгаришларнинг орта қайтмаслиги, доимо ўтмишдан бутун орқали келажака томон яхлит жараён сифатида амалга ошишини ҳисобга олиш асосида шакллантирилган. Унда ана шу методология асосида ислохотлар таъсирида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар орасидан ижобий жиҳатлар ва хусусиятларга эга бўлганларини ажратиб олиш, танлаш ва уларни ҳаётга самарали татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилган;

умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари, бир томондан миллий анъаналар ва халқимизнинг маънавий бирдамлиги, иккинчи томондан эса ҳозирги дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар динамикаси ҳам

Янги Ўзбекистон стратегиясида ўз ўрнига эга. Бу тамойил, аввало, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги ўрни ва мавқеини белгилашнинг асосий омилларидан бири бўлмокда;

бағрикентлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари, яъни стратегия мамлакатимизга хос кўп миллатлилик ва кўп конфессиялик шaroитида жамиятнинг барча аъзолари ва аҳоли қатламларининг ҳамжиҳатлигини, эзгу мақсадлар йўлидаги умумий сафарбарлигини таъминлашга хизмат қилиши лозимлиги назарда тутилган. Бу тамойилларнинг кейинги йилларда мамлакат ҳаётини демократлаштириш, “Давлат — инсон учун” тамойилини амалий таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини, ахборот ва сўз эркинлигини янги босқичга кўтаришнинг асосий омилларидан бири сифатида қарапаётгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси бугунги кунга келиб, истиқболимиз дастуриламали бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси бундан беш йил илгари қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми, бу йўлдаги ислохотларнинг қонуний ҳосиласи ва ҳозирги даврдаги объектив зарурати эканини тўла-тўқис исботлайди.

Мамлакатимизда ўтган беш йилда амалга оширилган серқирра ислохотлар жараёнини Янги Ўзбекистон стратегиясида ҳар томонлама пишиқ-пuxта ишлаб чиқилган методология асосидаги таҳлили барчамиз чуқур англаб олишимиз ҳамда келгуси йиллардаги фаолиятимизнинг мезонлари сифатида алоҳида эътиборда тутишимиз зарур бўлган низоҳатда муҳим жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради.



Киём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

сифатида амал қилмокда. Бу даврда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг зарурий кафолатларини таъминловчи демократик тамойилларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича ўтган беш йилликнинг барча устувор вази-фалари ҳал қилинди.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, ҳимояловчи сиёсий ва ижтимоий институтлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур жараён бугунги кундаги давлат ҳокимияти органларининг янгича иш услубларини шакллантиришда, улар

фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш масалаларида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган, халқ орасида чуқур илдиизга эга бўлган мустақил, мустаҳкам, барқарор, ихчам турли-туман фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳам Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти билан демократик жамият қуришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланмокда.

Бешинчидан, халқимизнинг асрлар мобайнида сайқалланиб келган анъаналари ва маданиятини акс эттирувчи маҳалла сингари ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли ва унинг ўзига хос бошқариш тажрибаси сифатида тароққиётда янги босқични, “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” ўтиш даврини бошлаб берди, янги босқичнинг мустаҳкам асосларини яратди, дейиш учун барча манбалар яратилганидан далолат беради.

Айни шу даврда узоқ ўн йиллар, асрлар давомида амал қилиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойили ўзгариши, унинг ўрнига “инсон — жамият — давлат” тамойили шаклланиб, “Давлат — инсон учун” ғояси асосидаги фаолиятни янги босқичга кўтариш учун пухта замин тайёрланди.

Бу эса, ўз навбатида, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимлилиги ва изчиллиги, мазкур йўналишдаги серқирра фаолият шакллари ва уларнинг мазмун-моҳияти бири-бири билан узвий боғлиқлигини яққол кўрсатиб турибди.

Умуминсоний тамойиллар ва фалсафий методология нуқтаи назаридан қаралганда, жамият ҳаётида вужудга келадиган ҳар бир муҳим воқеалик, айниқса, стратегик аҳамият касб этадиган феноменал ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ва улар билан боғлиқ мақсадларни ҳар бир фуқаронинг ўз вақтида англаши ҳамда шу асосда яшashi ва ишлаши зарурлиги низоҳатда муҳим қонуниятлардан биридир. Бу жиҳатдан барчамиз Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини диққат билан ўқиб-ўрганишимиз, унга хос умуминсоний қонуниятлар ва миллий хусусиятларни ҳар томонлама англашимиз ва уларни амалиётга қўллаш йўлларини чуқур ўрганишимиз зарурлиги шубҳасиз.

Давоми 5-бетда

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

“

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатини ишга солиш зарур. Шундагина юртимиз жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бошланиши 1-, 4-белларда

Мазкур соҳада назарий жиҳатдан таянишимиз ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишимиз лозим бўлган умуминсоний қонуниятлар ва миллий хусусиятлар қуйидагиларда яққол намоён бўлмоқда:

биринчи, янги жамият ўз-ўзидан барпо бўлмайди, балки бу муайян вақт талаб этадиган узлуксиз жараёндир. Унинг муваффақияти, биринчи гада, давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар, фуқаролар онги ва фикрлаш тарзининг ўзгариш суръати, кишилар тафаккурида демократик қадриятлар қанчалик мустаҳкам ўрнашётганига боғлиқ;

иккинчи, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан боғлиқ сериқра амалиёт ва унинг йўналишлари ҳозирги даврда юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, туб ислохотларни амалга ошириш орқали Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳамдир;

ТАФАККУРИМИЗНИ ЯНГИЛАЁТГАН СТРАТЕГИК МЕЗОНЛАР

Инсоният тарихидан маълумки, муайян халқ ва жамият ҳаётида улкан аҳамият касб этиб, унинг тараққиёт таъминловчи янги босқичга кўтарувчи ғоя ёки таълимотлар улар таъсирида юзага келадиган ривожланиш жараёни

унга муносабатимиз ўзгариб бораётгани ҳам бу борадаги тасаввурларимиз янгиланишининг маънавий мезонига айланмоқда.

Айни пайтда ушбу маънавий янгиланиш ва руҳий уйғониш жараёнини Тараққиёт стратегияси асосида таҳлил қилсак, “Бугунги кундаги дунёқарашимиз ўзгариши ва тафаккур янгиланишининг қандай хусусиятлари мавжуд?”, “Бу борадаги жараён самарасини янада ошириш учун қандай омилларга кўпроқ эътибор қаратишимиз керак?”, “Ислохотларнинг пировард натижаси учун масъул бўлган бугунги авлод вакили сифатида ҳар биримизнинг ушбу йўналишдаги долзарб вазифаларимиз нималардан иборат?”, деган саволлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётганини аниқлаймиз.

Айнан шу маънода таъкидлаш жоизки, биз, аввало, мазкур Стратегияни жўн ва оддий бир ҳодиса сифатида талқин этмаслигимиз лозим. Чунки ушбу тарихий дастур мустақиллики янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириш, жамиятимизни демократ-



СТРАТЕГИЯСИ

учинчи, эркин фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни бораётган ўтиш даврида аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифодаловчиси бўлган эркин сайловлар, кўп-партиявийлик тизими ва бошқа жамоат ташкилотлари сингари демократик институтлар фаолиятини оптимallasтириш яқин келажакда ҳам муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчи, давлат ва жамият қурилиши бўйича мамлакатимиз стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим асосларига қўра алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими изчил ислох қилинмоқда, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд бўғинлари ўртасидаги муаносиб ва янада барқарор уйғунлик таъминланади;

бешинчи, узоқни кўзланган сиёсат туфайли ваколатларнинг бир қисmini ҳокимиятнинг марказий органларидан ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий органларига босқичма-босқич ўтказишга йўналтирилгани, қабул қилинган ва қўшимча ишлаб чиқилаётган қонунчилик ҳамда ҳуқуққа доир ҳужжатлар яхлит тизимга солинишини янги босқичга кўтаради;

олтинчи, айнан ушбу стратегия асосида амалга оширилажак ўзгаришлар ва янгиланишлар йўлидан борилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни, иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини сақлаб қолиш ва кенг қўлмалли ислохотчилик фаолиятини изчил амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятларни яратеди;

еттинчи, юртимизда ислохотлар стратегиясини изчил амалга ошириш давлат ва жамият ҳаётининг янги тизими шаклланишига олиб келади. Бу бир томондан, илғор мамлакатлар тажрибасини ҳаётга татбиқ қилишга имкон беради, айни вақтда халқимизнинг миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятларини тақомиллаштириш жараёнини янада юқори даражага олиб чиқишга ёрдам беради.

Президентимиз стратегиясида кейинги йилларга доир ҳаракатлар дастури ва йўл хариталарининг асосий йўналишларни белгилаб беришга эса, ҳар бир йўналишга доир муҳим масалаларнинг ечимлари ва долзарб вазифаларни ҳал этиш йўллари излаш ва имкониятларни топиш, бунинг учун ўқиб-ўрганиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Бу жиҳатдан Стратегияда белгилаб берилган вазифалар заълворини аниқлашмизда халқимизнинг тарихий тажрибаси ва миллий анъаналарига, умуминсониятнинг демократия ва ижтимоий адолат каби эзгу ғояларига таяниш зарурлиги шубҳасиз. Айни пайтда, инсон қадри ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳозирги ва келгуси авлодлар олдидagi юксак масъулият ҳиссини сезиш, халқимизни рози қилиш, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлаш сингари тараққиётнинг асосий таъминловчи амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

“

Ҳозирги даврда халқимиз энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшамокда. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ларидан бироз аввалроқ пайдо бўлади. Кейинроқ бу ғоя ва таълимотлар улкан ўзгаришларни амалга ошира оладиган кишиларнинг қалби ва онига сингади, муайян концепция, стратегия ёки дастурлар тарзида шаклланади ҳамда жамият аъзоларини белгилаб олинган мақсадлар томон бошлайди. Ғоялар тарихида исботланган бундай узлуксиз ва яхлит жараёнда доимо бир-бири билан уйғун ҳолда амалга ошадиган уч хил ўзгариш ва янгиланишлар жараёни рўй беришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биринчидан, бунда одамлар тафаккури, дунёқараш, уларнинг воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгаради ва муқаррар тарзда янгиланади.

Иккинчидан, улар давлат ва жамият ҳаётини, яъни сиёсий тузилмалар ва ижтимоий муносабатларни ҳам ислохотлар воситасида ўзгартиради.

Учинчидан, муайян ғоялардан қўзланган натижа эса одамларни ягона мақсад сари бирлаштириб, амалий ишларга сафарбар қилади.

Ислохотчилик анъаналари билан боғлиқ бу умуминсоний қонуният аиникса, Президентимиз томонидан яратилган Янги Ўзбекистон стратегияси мисолида янада яққол намоён бўлмоқда. Халқимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу ривожланиш дастурининг маъно-мазмунини ва шакл-шамойилини белгилайдиган “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарини қайта-қайта муталаа этар эканмиз, бунга тула-туқис ишонч ҳосил қиламиз.

Инсоният тарихида муайян даврларда турли халқлар ва давлатларни тараққиётга бошлаган ғоялар ва стратегиялар, ўзига хос уйғониш, яъни Ренессанслар вужудга келишини таъминлаган ислохотларнинг ижобий натижалари ҳам бунга тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон стратегияси ҳар биримиздан янгича тафаккур услублари ва замонавий дунёқараш таъминловчи шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, жамият ҳаёти ва давлат қурилиши тақомиллашиб, ҳаётимиз ва

лаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлган бутунлай янги босқични бошлаб бергани билан ҳам улкан аҳамиятга эга.

Зеро, ушбу Стратегия замон талаби, давр эҳтиёжи, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, мазкур жараёни амалга ошириш тартиблари ва намоён бўлиш хусусиятларини доминималдлик билан аниглаб, уларнинг амал қилиш қондалари ва таъминловларини ҳаётда самарали қўллашнинг яққол намунасидаир.

Шунинг учун ҳам Стратегияни ўрганиш жараёнида биз уни, бир томондан, тараққиётимизнинг ўзига хос ва мос ривожланиш дастурини амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берган тарихий ҳужжатлар мажмуи, юртимизда янги жамиятни барпо этиш ва давлатимизни энг илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқиш борасидаги фаолиятимизнинг асосий мезони, деб қабул қилишимиз лозим.

Иккинчидан, у нафақат аҳолининг бирор-бир қатлами, балки барча юртдошларимиз учун ўзига хос янги дунёқараш ва замонавий тафаккур ривожига муҳим ўрин тутадиган умумфалсафий таянч — методология эканини ҳам эътироф этишимиз керак. Шу маънода ҳам Стратегия ҳаётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб, фаолиятимиз учун маънавий мезон ҳамда ушбу жараёнга кучли таъсир кўрсатадиган методологик асос сифатида хизмат қилади.

Стратегия эълон қилинганидан кейинги воқеалар ривожини эса бутун жамиятимизда тафаккур ўзгариши, дунёқараш янгиланиши зарурати пайдо бўлганини яққол кўрсатиб қўйди. Бу эса, ўз навбатида, маънавий-маърифий соҳа ва таълим-тарбия ишларини янада тақомиллаштиришни, ушбу йўналишдаги фаолиятини самарали ташкил этиш лозимлигини аниқлайди.

Инсоннинг онгу тафаккури бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқарашини ўзгариши ва янгиланиши учун вақт, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот бўлмасин, одамзод ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида

таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши ва бунга иқдор бўлиши даркор. Бу эса маънавий-маърифий соҳа вакиллари масъулияти янада ортаётганини аниқлайди.

Бугунги кунга келиб кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётини ва фуқаролар тафаккурини тубдан ўзгартиришга қаратилган ислохотлар амалиёти билан боғлиқ кўплаб тажрибалар умуминсоний аҳамият касб этаётгани ва қизқиш билан ўрганилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Муайян йўналишдаги стратегия, концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш, бошқа қатор ташаббусларга нисбатан ҳам ана шундай ёндашув кузатишмоқда.

Тўғри, баъзан улар учун асос бўлган ғоя ва назарияларнинг аҳамиятини ўз вақтида тўғри аниқлашлик ва уларга мос дунёқарашни шакллантиришда сустқилиш қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Лекин бу кўхна тарих миллат ва давлат тақдирига, ижтимоий тафаккур ривожига таъсир қиладиган, жамиятнинг тараққиёт йўлига бошлайдиган назария ва ғояларнинг асл мақсад ва муддаоларини зуққолик билан аниқлайдиган, шунга мос яшашига ва ишлашига ҳаракат қиладиган кишиларни ҳам муттасил тарбиялаб туради.

Шу ўринда янги жамият барпо этишда умуминсоний қадриятлар ва миллий анъаналарга таяниш, Янги Ўзбекистон ғояси ва Тараққиёт стратегияси асосида ҳаёт кечириш, бу борадаги омиллар ва таъминловлар мазмун-моҳиятини кишилар онига синдириш бугунги тафаккур ўзгаришлари жараёнининг тамал тошига айланаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тафаккур ўзгариши жамият ҳаёти учун муҳим бўлган барча соҳаларни ислох қилиш ва уларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш билан қамбарчас боғлиқ жараён ҳамдир.

Маълумки, яқин ўтмишда бугунги ҳаёт воқелигига айланган “Инсон — жамият — давлат” парадигмаси, “Давлат — инсон учун” таъминловчи бугунги янгиланиш жараёнлари ва демократик ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлишини тасаввур қила олмайдиганлар ҳам бор эди. Янги Ўзбекистон ғояси ва у асосида ривожланиш йўлидан оғишмай бориш, кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар бу борада ҳам ўз натижаларини берди. Ушбу ўзгаришлар бугун онгу шууримизга сингиб кетди, тафаккуримизни бойитди, улкан натижалар қўлга киритилишига сабаб бўлди. Биз бу ўзгаришларга ўрганиб қолдик, ҳатто соҳада баъзида учраб қоладиган қамчилик ва тўғаноқларга сабаб сифатида “Баъзи кишилар ҳамон эскича тасаввурдан қутула олмаяптилар”, дея уларни эмин-эркин танқид қиладиган даврларга ҳам етиб келдик.

Буларнинг барчаси ҳаракатлар дастури ва тараққиёт стратегиясининг тўғри белгилаб олиниши ва унинг самарали ҳаётга жорий этилиши улкан натижаларга олиб келадиган ислохотларни амалга ошириш, жамият қиёфасини ривожланган мамлакатлар тажрибаси, миллий анъаналар асосида тубдан ўзгартиришдек мураккаб вазифани бажаришда ҳам қисқа муддатда муҳим ютуқларга эришиш мумкинлигинидалолат беради.

Хўш, илгари ана шундай ўзгаришларни тасаввур этиш, уларни амалга ошириш мумкинми? Албатта, йўқ. Тараққиёт стратегиясининг тарихий ва замонавий жиҳатлари, мамлакатимизнинг бугунги ва келажакдаги аҳамияти ҳам шунда. Тараққиёт таъминловларининг умуминсоний қонунияти шундайки, уларга хос ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни бир кунда ёки автоматик тарзда, ўз-ўзидан содир бўлавермайди. У шиддаткор давр талабидан келиб чиқиб, янгидан-янги вазифаларни олдимизга қўяверади.

Шу нуктаи назардан, стратегияда белгилаб берилган устувор вазифалар моҳиятини чуқур аниқлашга ҳаракат қилар эканмиз, мамлакатимизни дунёнинг энг илғор давлатлари қаторига олиб чиқишдек эзгу мақсад сари йўналтирилган бу муҳим дастур барчамизнинг тасаввуримизни ўзгартираётганига, жамиятимизда янги дунёқарашни шакллантираётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Олдиндан узоқни кўра олиш, ҳаёт деб аташмиш бу кўхна дунёда воқеалар силсиласи ичида энг муҳимларини — тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт таъминловларини ажрата билиш, жараёнларни тўғри таҳлил қилган ҳолда аниқ қарорлар қабул қилиш доноларга хос фазилат, албатта. Кейинги беш йилликка хос ислохотларнинг дастлабки кунларидеяёқ Президентимиз томонидан “Янги жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини қуриш, ҳар биримиздан қатъиятли ва ғийбой бўлишни, янгича ўйлаш, янгича ишлашни талаб қилмоқда” деб қайта-қайта таъкидлангани асло бежиз эмас. Фуқароларимиз тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзгаргани, эртанги кунга — порлоқ истиқболга чуқур ишонч пайдо бўлгани учун ҳам бугун янги Ўзбекистон қамол топмоқда, янги Уйғониш даври пойдеворини яратилмоқда.

Стратегиядаги инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилиши кўзда тутилган устувор таъминловлар ва долзарб вазифалар эса бу йўналишда ҳам онг ва тасаввурларимизни ўзгартиришни, бир сўз билан айтганда, бутун жамиятимизнинг маънавий янгиланишини заруратга айлантирди.

Яъни, бу борада ҳам давлат ва жамият тараққиётига уйғун равишда инсон тафаккурининг янгиланиши, менталитетнинг замонавийлашуви, одамларнинг онги ва тасавурида, ҳаётга, ислохотларга муносабатига рўй берадиган

ўзгаришлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуларининг ортиб бориши, инсоннинг иқтидори ва имкониятлари янада кенгайиши, халқ орасида ушбу жараёнларга нисбатан ижобий фикрнинг кучайиши қабиладарда яққол намоён бўлмоқда.

Кейинги йиллардаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлган инсонни қадрлаш борасидаги эзгу мақсадлар ҳам бир кунда, ўз-ўзидан амалга ошиб қоладиган оддий ва жўн ҳодиса эмас. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, аиникса, раҳбар ходимларнинг фаол ҳаракатини тақозо этадиган серқирра жараёндир.

Шу сабабдан ҳам Стратегияда нафақат бу жараён, балки жамиятимиз ривожининг кейинги босқичи учун муҳим аҳамиятга молик янги ғоялар ва ҳулосалар акс этгани бутун дунёда эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шу маънода, таъкидлаш жоизки, ҳалигача дунёда ҳеч ким муайян ғоя ва стратегиянинг муаллифчилиги уни яққол ва ёрқин тасаввур этолмаган.

Айни пайтда минглаб кишилар мазкур ғояни аниглаб, ўз қалби ва онига синдириб олсалар-да, аммо улар ҳам муаллиф сингари қўзланган мақсадни аниқ идорак эта олмаслиги мумкин. Бу нафақат оддий кишилар, балки айнан ғоялар дунёси қонуниятлари ва маънавий соҳа билан машғул бўлган баъзи мутахассисларга ҳам тегишли одатий ҳолатдир.

Шундай экан, мазкур Стратегияни улкан ижтимоий аҳамиятга молик тарихий ҳужжат, барчамиз учун дастуриламал бўлган ғоя ва ҳулосалар, ташаббуслар мажмуи сифатида, аввало тушуниш, унинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоларини ўқиб олиш, сунгра эса уни тўғри тушунириш зарурати пайдо бўлмоқда.


Бу борада Президентимиз томонидан яратилган назарий-методологик асосларга таянган ҳолда, ушбу йўналишда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва баъзида учраётган муаммоларни зудлик билан ечишидан самарали йўллари ҳамда усулларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Мазкур мавзуга доир назария ва амалиётни қиёсий ўрганиш, долзарб масалаларни ҳал қилишда анъанавийлик ва замонавийлик таъминловларига эътибор қаратган ҳолда, аҳоли онги ва тафаккурида бу жараённинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари ва ташкилий механизмлари тўғрисида аниқ тасаввурни шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу вазифаларни бажаришда маънавий-маърифий воситалар ҳамда тарғиботнинг таъсирчан усулларини қўллаш, мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишига айланди. Бу эса, ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юқлайди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

Барча замонларда ўзбек адабиётида истеъдодли ижодкорлар кўп бўлган. Аввалги замонлар ҳам, Ўткир Ҳошимовлар авлоди ижод қилган ўтган асрнинг 60-йилларидан кейинги давр ҳам шундан далолат беради. Адиб асарларининг кутубхоналардаги нусхалари уларни кўпчиликлари иштиёқ билан ўқигани ва бу жараён ҳозир ҳам давом этаётганини тасдиқлайди.



ЭЛ БАҲРА ОЛАДИ

Абдулла УЛУҒОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари номзоди



Ўткир Ҳошимовнинг китоблари кўлдан-кўлга кўп ўтгани аниқ билиниб туради. Чунки китобларнинг муқоваси, саҳифалари улар одамларга қанча хизмат қилганини бамисоли ойнадек кўрсатиб беради. Бунга “Тушда кечган умрлар”, “Икки эшик ораси”, “Дунёнинг ишлари” ёрқин мисол бўла олади. Адибнинг ёзганлари кишиларимизнинг китобхонлик даражаси ўсишида самарали хизмат қилди. “Баҳор қайтмайди”, “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби асарлар ўша даврда адабиётга омма қизиқшини кучайтирди. Ўткир Ҳошимов ижодининг мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги аҳамияти ва қадри, аввало, шу билан белгиланади.

Ижодкор асарлари катта адабда қайта-қайта нашр этилди. У кўплаб китобхонларнинг сеvimли ёзувчисига айланди. Ўқувчиларнинг самимий ҳурмати, эҳтироми унга қанот бағишлади. Шунинг учун у, бошқа тенгдошларига қиёслаганда, гуриллаб ижод қилди: ҳикоя, қисса, роман, драма ва мақолалар ёзди, таржима билан шуғулланди, кетма-кет китоблар нашр қилди, “Тошкент оқшоми” газетаси таҳририятида фаолият кўрсатди, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири бўлди, телевидениеда кўрсатувлар, радиода эшиттиришлар олиб борди, доим китобхонлар билан учрашувлар ўтказди.

Ўткир Ҳошимов асарлари ўз замони учун гўзал ва оммабоп бўлганидек, кейинги замонлар учун ҳам қизиқarli бўлиб қолади. Унинг китоблари архив мулкига айланиб, жавонларда чанг босиб ётмайди. Негаки, адиб асарларида барча замонларга тааллуқли маънавий-ахлоқий муаммолар қалбга таъсир кўрсатадиган тарзда бадиий талқин қилинади. Ёзувчи ҳаётда ҳамиша долзарб бўлиб турадиган инсоний муносабатларга эътибор қаратиб, муаммо ҳусусидаги фикрлари аниқ, тиник, тушунарли қилиб ифодаляйди. “Қалбингга қулоқ сол”, “Баҳор қайтмайди”, “Дафтар хошиясидаги битиклар”да муаллифнинг ҳаётга муҳаббати, инсонга меҳри ва сўзга ҳурмати, ижодкорона теран фикрлаши яққол сезилади.

У ўз асарларида инсоннинг зугуликка интилишини, муҳаббатга садоқатини, ўзаро меҳр-оқибатни, эл-юртга фидойилигини улуғлайди. Унинг асарларида сўзлар,



бошқа қаламкашларнинг ёзганларига қиёслаганда, худди топ-тоза чиннидаи жаранглаб туради. Муаллиф бу майин,

мулоийм сўзлар ортидан синовчан, қу-затувчан, ўткир нигоҳи билан қараб тур-гандай туюлади. У “Мен майда-чуйда мавзуларда гап сотиб, одамларни ову-тиришни истамайман”, деяётгандай бў-лади. Агар адибнинг дастлабки асарлари билан кейингилари таққосланса, у ижодда муттасил ўсиб боргани, китобдан-китобга юксалгани, ҳикоя, қисса, роман, мақола-ларида фикри теранлашиб боргани яққол билинади.

“Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ сол” қиссаларидаги муҳаббат мадҳи минг-минглаб ёш китобхонларни мафтун этиб келаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. XXI асрнинг ёш китобхонлари ҳам “Баҳор қайтмайди”, “Тушда кечган умрлар”, “Икки эшик ораси”ни зўр ҳаждон билан энтикиб ўқийди. Ҳар бир қаламкаш эса, айти ҳо-латта, албатта, чинакам ҳавас билан қа-райди.


Айрим қаламкашларнинг гап-сўзи, ёз-ганлари шу қадар мавҳум бўладими, улар нима деяётгани, нима демоқчилигини тушуниб бўлмайди. Фикр, мулоҳазанинг савол ёки тасдиқ экани аниқ билиниб турмаслиги эса кишининг диққатини оши-ради. Ўткир Ҳошимов ўз асарларида ин-соннинг сурати ва сийратини, унинг руҳий ҳолатларини жуда таъсирчан акс эттириб, муддаосини очик баён қилади. У бунда бошқа айрим қаламкашлардан фарқи ҳолда, шарқона аъёналардан келиб чи-қади. “Дунёнинг ишлари”, “Урушнинг сўнг-ги қурбони”, “Деҳқоннинг бир кун”и каби асарларни мутлола қилганлар, албатта, бунга аниқ ишонч ҳосил қилади.

Ушбу асарлар тили майин, мулоийм оҳангга йўғрилгани боис, кишига хуш ёқа-ди. Ёзувчи персонажларнинг кайфияти, ҳолатини энг таъсирчан сўзлар воситаси-да аниқ ифодаляб беради. Албатта, ҳар бир киши ўзининг кўрган-кечирганлари асосида ҳулоса чиқаради. “Дунёнинг иш-лари”, “Урушнинг сўнгги қурбони” муал-лифнинг ўзбек насли, муулмон онаси қалбини чуқур ҳис қилганидан далолат беради. Айти асарлардаги айрим дра-матик сахналарни ҳаёлан тасаввур қил-ган ўқувчи инсон ҳаёти мураккабликлари тўғрисида ўйлаб, беихтиёр маҳзун бўлиб қолади. Ушанда ҳаёлдан бири-биридан фожеий воқеалар тизилиб ўта бошлайди ва улардан инсон ҳаётга беҳисоб сино-влардан ўтиш учун келиши, бу кўхна дунё синовлардан иборат дейилиши бежиз эмаслиги англашляйди.

“Дунёнинг ишлари”, “Урушнинг сўнгги қурбони”дан яна бир ҳақиқат — оналар-нинг, хусусан, ўзбек оналарининг феъл-атворида болажонликл фазиляти тўғма бўлиши ойдинлашади. Аслида ҳам эр-какдир, аёлдир, унинг табиатидаги кўп-гина хусусиятлар тўғма бўлади. Муҳит, шароит, вазият эса ана шу хусусиятлар-нинг қайсидир бири кўпроқ униб-ўсишини

таъминляйди. Оналар аждодлари ар-доқлаб келган аъёналарга амал қилиб яшашни ҳамма нарсадан афзал кўради. Улар фарзандларига ўзини фидо қилиш-дан, ўғил-қизларига мазали таом тайёр-лашдан, меҳмонларни очик чехра билан қутиб олишдан роҳатланади, биров-би-ровга зулм ўтказиб, зўравонлик қилаёт-ганини кўрганида дарҳол кўзига ёш олиб, фарёд қилади. Оналарнинг дилида ва тилида доим “Бировга озор берманг-лар!” деган нидо янграб туради. Ана шу илтижо аслрлар оша одамийлик, тинчлик, осоийшталик барқарор бўлишида мус-таҳкам пойдевор бўлиб келади. “Дунё-нинг ишлари”, “Урушнинг сўнгги қурбо-ни”даги оналар: “Ҳаёт — жумбоқ. Унда ҳамма ҳам адашади. Нафсига ҳокимлик қилиш одамзодни кўп қийин аҳволга со-лади. Шу боис, Ҳақ йўлидан адашган одамларга паст назар билан боқманг. Агар Аллоҳнинг раҳмати, марҳамати ўраб турмаганида, ҳамма ҳам ушалар каби аянчи аҳволга тушиб қолади!”, деб туради.

“Урушнинг сўнгги қурбони”, “Деҳқон-нинг бир кун”и ҳикояларида ҳаётнинг эзгин манзаралари чизиб бериляди. Муаллиф айти ҳикояларида ҳам, бошқа асарларида ҳам китобхонларни турмуш-



нинг овлоқ гўшаларига олиб кириб, беих-тиёр маънос, ғамгин қилиб қўяди. Барча қаламкашларнинг эмас, дилтортор адиб-ларнинг асарлари кишини шундай ҳолат-га солади. Чунки улар турмушнинг чигал воқелигини, унинг ичидаги кишиларнинг қарама-қаршиликларга тўла кечинма, ҳолатларини рангин бўёқларда тасви-рляйди. Ўткир Ҳошимовнинг ҳикоя, қисса, романлари ўзининг шу хусусияти боис, иштиёқ билан ўқилади. Уларни мутлола қилганлар Ер юзидagi барча одамлар-нинг турмуши осоийшта кечсин, зугуликка интилганларнинг бахти боқий бўлсин, деб тилак тилайди.

Адибларнинг асарлари, хусусан, Ўткир Ҳошимов ҳикоя, қисса, романларининг тил хусусиятларига алоҳида эътибор бе-рилишининг сабаби шундаки, одамнинг ақли ўз она тилини ўрганиш, ундан таъ-сирланиш, она тилидаги сўзларнинг маъ-носи, жарангини ҳис қилиш орқали камол топади. Узининг она тилидан завқланма-ган кишининг руҳи қашшоқлашиб, қалби қакшаб юради. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий асарлари бизни қалбимиз қакраб қолишдан асраб келади. “Баҳор қайтмай-ди”, “Дунёнинг ишлари” каби асарларда ҳам шу хусусият барқ уриб туради. Улар бизга руҳий озиқ бериб, қалбимизга ҳузур бағишляйди. Она тили ифода имконият-ларини намоён этадиган бу каби асарлар, улар хоҳ фильм, хоҳ спектакль сифатида тақдим этилсин, кишиларнинг ақли ва туй-ғусини тиниклаштириб, уларнинг ўша вақ-тини янги мазмун билан тўлдиряди. Ўша кун уларнинг ҳаётидаги унутилмас кунлар қаторидан жой олады.

Муаллиф барча билиши, англаши зар-ур бу ҳақиқатни майин лирик оҳангга йў-ғрилган жозибали тилда ифодалляйди. Ўт-кир Ҳошимов асарларидан одамзод она меҳридан маҳрум бўлиб қолса, маънавий мажруҳ бўлиб қолиши ойдинлашади. Улар яна бир ҳақиқатни — теварак-атрофи-миздаги ҳар бир нарса маъно-мазмунга бойлигини, лекин бепарволигимиз боис, уларга лоқайд қарашимизни, хусусан, онамизнинг меҳри, муҳаббати қадрини билмаслигимизни ошкор қилади. “Уруш-нинг сўнгги қурбони” ва “Дунёнинг иш-лари” китобхонларни ҳар бир киши учун она-си бебаҳо дунё эканидан огоҳлантиряди.

Албатта, Ўткир Ҳошимовнинг ёзганла-рида ҳодисаларни ҳолис туриб қаламга олишдан кўра, уларга ҳиссиётга берилиб муносабат билдириш устунлик қилади. Айти ҳолат адиб асарларини жаҳон ада-биёти намуналари билан қиёслаганда яқ-қол билинади. Масалан, Бальзак, Фёдор Достоевский, Лев Толстой каби адиблар асарларида эътибор қаратилган ҳодиса-лар, персонажларнинг ҳолат, кечинмалари теран таҳлил қилинади. Адабиётимизда эса адабиётнинг инсоншунослик моҳияти-ни намоён этадиган мана шу зарур жиҳат кўп-да етишляйди. Ҳаёт ҳодисалари ва инсоннинг кечинма, ҳолатларини таҳлил



қилишнинг тақчиллигидан асар мазмуни саёз, жўн бўлиб қолади. Натижада асарда мактағулик ҳеч нарса кўринляйди. Ўткир Ҳошимов “Дунёнинг ишлари”, “Қалбингга қулоқ сол” каби асарларида айрим ўри-ларда эҳтиросга берилиб, оташин бўлиб кетади. Бу унинг табиати нозиклиги, Шарқ заминида ўсиб-улғайгани, тасъирчанлигидан келиб чиқади.

“Дафтар хошиясидаги битиклар”и, пуб-лицистик мақолаларидан Ўткир Ҳошимов ҳиссиётга берилувчан дилкаш одам бўл-гани, у гапирганда ўзи ҳам, гапини эшит-ганларни ҳам завқлантиргани аён бўляди. Ижодкорнинг бу битикларини ўқиганлар улар эркин сўхбат услубида ёзилгани, муаллиф ушбу услубни пухта эгалла-ганига ишонч ҳосил қилади. Дилкаш одам-лар билан гаплашаётганида эса ҳар бир киши ичида сўхбат қизсин, деб тилак тилаб ўтиряди. Чунки ширин сўхбат дил-даги кўп ғашликларни кўтариб ташляб, кўнглига ором беради. “Дунёнинг иш-лари”, “Қалбингга қулоқ сол”ни ўқийтганида киши кўнглини ажиб ҳис-туйғулар қамраб олады. У турмушнинг турфа ҳодисалари, унинг қуввон ва ташвишлари, шодлик ва ғам-ғусалари бир-бири билан чамбарчас богланиб кетганини ҳис қилади.

“Дунёнинг ишлари”, “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳам, бошқа асарлари ҳам “ўз-бек оиласи — Ўткир Ҳошимов ижодидаги марказий мавзу”, деб ҳулоса чиқариш-га тўла асос беради. Бу адибнинг ижоди оила нафақат санъат ва адабиёт, балки инсон ҳаётининг ҳамма соҳаси учун ту-ганмас мавзу экани, ҳар бир халқнинг маданият даражаси, миллий қиёфаси, ав-вало, шу муаммога муносабатиди намоён бўлишини уқтиряди. “Дунёнинг ишлари” муаллифининг ёзганлари бошқа ижодкор-лар асарларидан марказида оила мавзу-си туриши билан фарқ қилади.

Албатта, оила адабиёт тарихида из қолдирган барча асарлар учун азалдан асосий объект бўлиб келади. Чунки инсон ҳаётидаги барча муаммолар бевосита шу мавзу билан туташади. Софоклнинг “Шоҳ Эдип”и, Шекспир трагедиялари, Баль-зак, Достоевский, Лев Толстой каби улуг санъаткорлар асарлари бунга мисол бўла олади. Абдулла Қодирий, Чўпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорнинг роман, қисса, ҳикоя-лари ҳам бунин тасдиқляйди. Ўткир Ҳо-шимов асарлари ҳам оила мавзуси асосида халқимизнинг ўзига хош менталитети билан яқиндан таништиряди. “Баҳор қай-тмайди”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Дунёнинг ишлари” шу боис, мириқиб, иштиёқ билан ўқилади. Уларни сахнага, экранга кўчи-риш ҳам кўп қийинчилик тудирляйди. Улар асосида ишланган видеофильмлар-ни миллионлаб кишилар берилиб томоша қилади. Демак, Ўткир Ҳошимов асарла-ридан эл — барча одамлар бирдай баҳра олады.

ҚАТРА

ТАВАЛЛО



Шодмонқул САЛОМ

Анорни махсус ускунада сиқиб, шарбатини сотаётган йилгит қаршисида турибман. Ўзим тенги бу шахрисабзлик ўлгон бир пиёла анор шарбатини қўлимга тутқазди. Шарбатни дам олиб-дам олиб мириқиб симирдим. “Алҳамдулиллаҳ! — дедим энтиқиб. — Тавба! Танграм, қандай тоғли неъматларинг бор!”, дедим ўзимга-ўзим гапиргандай.



Кўринишдан тўпори, қишлоқ йи-гити — анорчи сўзимни тинглаб ту-риб қилмайди-да:

— Ака, мановини қаранг, — деди анордан тўқилган битта донаси-ни курсатиб. — Мана шу бир дона анорнинг шираси тўқилиб кетмасин, деб Худо уч қават нозик парда билан ўраб қўйибди.

— Уч қават эмасдир-э? — дедим савол назари билан унга боқиб.

— Ака, мен анорзорнинг ичида катта бўлганман. Биламан. Мана ишонмасангиз қаранг, — деди қип-қизил анор донасини дағал қўли билан секин тўтиб. Унинг биринчи қават пардасини тўлиқ шилиб мен-га тутқазди. Сўнг мевачанинг тағин бир қават рангсиз, нозик пардасини усталик билан ажратиб олди. Ки-чик мевача ҳалиям ўзини “ушлаб” турар, шарбати таранг парда ичи-да тўқилмай зич турар эди. Анорчи мени ҳайрон қолдириб, учинчи қа-ват инжа терини ҳам ажратиб бош-лаган эди, шундагина анорнинг суви тўқилиб, йилгитнинг қўлига қизил шарбат томди.

— Тавба, — дедим. — Ҳаммаси шундай бўладими?

— Ҳа, ҳамма анор шундай бўла-ди.

Бозор ўртасида иккита кап-катта одам ҳимитдеккина анор мевасига термулиб, пол турар эдик.

Йилгитга “рахмат”, дея ичган шар-батимнинг пулини тутқаздим. Энди мен тезроқ ёлғиз қолишим зарурли-гини ҳис қилардим. Анорчи йилгит ор-тимдан “Кеп туринг, ака”, деб қолди.

Қора курткамга ўраниб, лапан-лаб йўлнинг у бетига ўтдим. Хийбон бўйлаб, одам камроқ дарахтзор сари ошиқаётган эдим. Миямда ғўжгон ўйнаётган ўйларимнинг учини топол-май гангиб борардим.

...Танграм, яратганине охир,

бандадир,

Шоир-о! Қибр этма, ҳисоб

Ундадир!

Пичирлаб шеър айтдим. Қўз ўн-гимдаги оддий, айтиб юрмаса ҳам бўладиган анор воқеаси кўнглимни ағдар-тўнтар қилиб юборганди.

Мени бир томчи нутфадан бино қилган, эй улуғ Раҳмон!

Мени отамнинг белидан онамнинг раҳмига омон-эсон элтиб қўйган, эй қудратли Раҳим!

Мени иссиқда ҳам, совуқда ҳам, кўнўзда ҳам, қор тунда ҳам асраб, мўътадил бир қилимда ўстирган, эй улуғ Холиқ!

Менинг қўқсимга митти, шакли анор донасига ўхшаб кетадиган юракни жоиллаб, унга ўз исмини ра-кам этган, шу бир парча этга жон ато қилиб, то сўнгги онимгача ишлашни буюрган, буюрганини юрагим адо этиб турган, эй Қаюм!

Менинг онаизоримга раҳм қилиб, қувват бериб, тун бағрини ёришти-риб, қишининг қаттиқ бир аёзли шо-мида дунёга келганимда ул мунчи-симни қувонтирган, эй Меҳрибоним!

Менинг бир парча эт, шакли тоғай-дан иборат жажжи суякларимни кун сайин улғайтган, кун сайин куч бериб нигоримон сийнасида миқиллатиб сут ичирган, уни ҳазм қилдирган, сочимдан тирноғимгача баркамол етиштирган, эй улуғ Боқувчим!

Менинг оёқларимга юришни ўр-гатган, тилимга сўзни муҳрлаган, қо-ронғудан қўриқини, қуёшни севишни бекаму кўст ўргатган, эй тенгсиз Му-рабий!

Миллион йиллар бурун тўрт оёқда юргувчи одамзодни икки оёқда юр-гиз, ҳаётини қорларда ҳам эмин қил-диг, олов ёқини ўргатдинг. Қадим аждодлар юз йиллаб бир гўлхани учирмай келмишлар. Ё Мавло! Ме-нинг кўзларим тунда олов ё бошқа ёруғликдан ялтирамайди. Вале, жони-ворларнинг кўзлари ялтираб, ўзидан огоҳ қилади. Бунга сабаб қилиб ме-нинг ақлимни пешладинг — мен тунда тез келаётган уловнинг олдига чиқиб кетмайман, ақлим бу хавфдан асрал-моқни тазмин этади. Ит, мушук, бўри, тулки, қўй-моп — барисининг кўзи чи-роқ шўъласида ёнади. Келаётган улов эгаси ақли билан англаб, уларни айла-ниб ўтади. Ё буюк Танграм, мен бил-маган илмларнинг сирини шу қадар қўп-ки, билганимнинг улушини қанча эканин-да идрок қилолмайман.

Эй кеңиримлиларнинг кеңиримли-си! Сақлагувчиларни ҳам сақловчи, Жаббор! Кўнглимни қулбамга ошно қилган, чўпон отамга эргашиб, қў-зичоқларни қуллаб юриб, қўзихорин терганда митти қўлимдан чаёнга чактириб, оғриқни танитган, лекин жонимни омон сақлаган, “онажон” деб йилғашни ўргатган, эй поёнсиз Парвардигорим!

Ё Борий таоло! Битта чумолининг ўн қулоч юқорида, барг сиртида юри-ши учун унинг қўлқопларига гаройиб мувозанат манбасини ўрнатиб қўйиб, уни-да ҳисобингдан ризқлантирган сенсан!

Ўзингсан, тоғнинг ёввойи қийик-ларига вақти-соати келмай жуфтла-шиш мумкин эмаслигини буюрган. Акс ҳолда, самода Хулқар юлдузи кўрнимга қўшилган қийик болалари қор кетмай тугуляди ва нобуд бўлиб кетади. Ота қийик фалақти бу тутам юлдузни висолдек қутиб ётармис, субҳоналлоҳ!

Э Алим зот! Бир дона она-сини пардаларга ўраб, бизнинг риз-қимиз қилиб берган ва унинг илмига ошиқларининг қалбини хайрату ҳикматга тўлдирган!

Магар шундоқ бўлмаса эди, бир дона анорни ясаб, ўзим бозорга олиб чикмасмидим! Бу аъьом асло қўлим-дан келмагай!

Раббим! Яратгувчисан! Ризқ бер-гувчисан! Кеңиргувчисан! Унутмагу-чи ҳамсан!

Ўзинг адаштирма! Ўзинг паноҳинг-дан мосуво қилма! Ўзинг мағфират қилгил!

Шу қадам ажиб ўйлар тафти кўн-глимни иситиб, уйга етиб қолганимни ҳам сезмабман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3690.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

76042 нусхада босилди.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй